

428/755 - عَنْ جَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: شَكَأَ أَهْلُ الْكُوفَةِ سَعْدًا إِلَى عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، فَعَزَلَهُ وَاسْتَعْمَلَ عَلَيْهِمْ عَمَّارًا، فَشَكُّوا حَتَّى ذَكَرُوا أَنَّهُ لَا يُحْسِنُ يُصَلِّي، فَأَرْسَلَ إِلَيْهِ، فَقَالَ: يَا أَبَا إِسْحَاقَ، إِنَّ هَؤُلَاءِ يَزْعُمُونَ أَنَّكَ لَا تُحْسِنُ تُصَلِّي؟! قَالَ: أَمَّا أَنَا، وَاللَّهِ فَإِنِّي كُنْتُ أُصَلِّي بِهِمْ صَلَاةَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَا أَحْرِمُ عَنْهَا، أُصَلِّي صَلَاةَ الْعِشَاءِ، فَأَكْرُدُ فِي الْأُولَيَيْنِ، وَأُخَفُّ فِي الْأُخْرَيَيْنِ. قَالَ: ذَاكَ الظُّنُّ بِكَ يَا أَبَا إِسْحَاقَ. فَأَرْسَلَ مَعَهُ رَجُلًا، أَوْ رَجُلًا إِلَى الْكُوفَةِ، فَسَأَلَ عَنْهُ أَهْلَ الْكُوفَةِ، وَمَنْ يَدْعُ مَسْجِدًا إِلَّا سَأَلَ عَنْهُ، وَيُثْنُونَ مَعْرُوفًا، حَتَّى دَخَلَ مَسْجِدًا لِبَنِي عَبْسٍ، فَقَامَ رَجُلٌ مِنْهُمْ يُقَالُ لَهُ أُسَامَةُ بْنُ قَتَادَةَ، يُكْنَى أَبَا سَعْدَةَ قَالَ: أَمَّا إِذْ نَشَدْتَنَا، فَإِنَّ سَعْدًا كَانَ لَا يَسِيرُ بِالسَّرِيَّةِ، وَلَا يَفْسِمُ بِالسَّوِيَّةِ، وَلَا يَعْدِلُ فِي الْقَضِيَّةِ. قَالَ سَعْدٌ: أَمَّا وَاللَّهِ لَأَدْعُونَ بِثَلَاثٍ: اللَّهُمَّ إِنْ كَانَ عَبْدُكَ هَذَا كَاذِبًا، قَامَ رِيَاءً وَسُمْعَةً، فَأَطْلِ عُمَرُ، وَأَطْلِ فُقْرَهُ، وَعَرِّضْهُ بِالْفِتَنِ. كَانَ بَعْدُ إِذَا سُئِلَ يَقُولُ: شَيْخٌ كَبِيرٌ مَفْتُونٌ، أَصَابَنِي دَعْوَةُ سَعْدٍ. قَالَ الرَّاوي عَنْ جَابِرٍ: فَأَنَا رَأَيْتُهُ بَعْدُ قَدْ سَقَطَ حَاجِبَاهُ عَلَى عَيْنَيْهِ مِنَ الْكِبَرِ، وَإِنَّهُ لَيَتَعَرَّضُ لِلْجَوَارِي فِي الطُّرُقِ يَعْزُرُهُنَّ.

428.755 Жобир ибн Самура розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Куфа аҳли Саъднинг устидан Умар розияллоху анҳуга шикоят қилган эди, уни ишдан олиб, ўрнига Амморни омил* қилиб тайинлади. Улар шикоятда: «Ҳатто намозни ҳам яхши ўқиб бермайди», дейишган эди. Шунда Умар унга одам юборди. Кейин: «Эй Абу Исҳоқ*, манавиларнинг даъво қилишича, сен намозни яхши ўқиб бермас экансан», деди.

Абу Исҳоқ: «Аллоҳга қасамки, уларга Расулulloх соллalloху алайҳи васалламнинг намозларини ҳеч камайтирмай ўқиб берардим. Хуфтон намозини ўқир эканман, биринчи икки ракатда узоқроқ туриб, кейинги икки ракатини енгил қилар эдим», деди.

(Умар:) «Ўзи сен ҳақингдаги гумон шу, эй Абу Исҳоқ!» деди. Кейин унга қўшиб бир кишини [ёки бир неча кишини] Куфага юборди. У (юборилган одам Саъд) ҳақида Куфа аҳлидан бирон масжидни қолдирмай сўраб чиққан эди, уни яхши деб мақташди. Ниҳоят, Бану Абс масжидига кирганида уларнинг ичидан Абу Саъда куняли, Усома ибн Қатода исмли киши туриб: «Энди, биздан Аллоҳни ўртага қўйиб сўрар экансан, айтамизки, Саъд сарийя* билан бирга юришга бормаиди, ўлжани баробар тақсимламайди ва ҳукм чиқаришда адолат қилмайди», деди.

Саъд бунга жавобан: «Аллоҳга қасамки, учта дуо қиламан: «Эй Аллоҳ, агар ушбу банданг ёлғончи бўлса-ю, лекин риё ва сумъа* учун қилган бўлса, умрини узоқ қил, фақирлигини ҳам зиёда қил ва уни фитналарга гирифтор эт», деди.

Кейинчалик (Усомадан) қачон ҳол сўралса, «Фитнага қолган кекса чолман, мени Саъднинг дуоси урди», дер эди.

(Ҳадисни Жарирдан ривоят қилган) Абдулмалик айтади: «Кейинроқ уни кўрганимда қартайганидан қошлари ўсиб, икки кўзи устига тушган экан. У кўчаларда чўриларнинг йўлини тўсиб, уларни чимчилаб юрар эди».

* Омил - маълум соҳа бўйича масъул раҳбар. Саъд розияллоҳу анҳу Куфада одамларга намоз ўқиб беришга масъул этиб тайинланган эди.

* Абу Исҳоқ - Саъд ибн Абу Ваққоснинг куняси.

* Сарийя - маълум мақсад билан сафарга отланган, сараланган жангчи гуруҳ.

* Риё - бир ишни бировлар кўрсин деб, хўжақўрсинга қилиш; сумъа - бировлар эшитсин учун амал қилиш.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI

